



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 25 август, № 173 (7131)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 24 август куни Туркманбоши шаҳрида бўлиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Президентимиз дастлаб “Аваза” сайёҳлик зонасида Туркменистон Президенти билан учрашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари юксак суръат билан ривожланмоқда. Бунда, аввало, икки давлат раҳбарларининг самимий дўстлиги, ўзаро ишончи ва бир-бирини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир. Жумладан, Туркменистон раҳбарининг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги учрашуви ўзаро манfaatли, самарали ва фаол мулоқотларнинг мантикий давоми бўлди. Шавкат Мирзиёев Туркменистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислиги давридаги ташаббусларини юқори баҳолаб, мамлакатларимизнинг бу борадаги лойиҳа ва саъй-ҳаракатлари бир-бирини тўлдиришини қайд этди.

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарини Туркменистонга ташрифи билан қўлаб, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг таъсисчи мамлакатлари раҳбарлари саммити ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни муҳофаза қилиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳофаза қилинди. Аввал эришилган қилишувлар

ижросига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлиси Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, сув ресурсларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш, бу борада Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳофаза этилди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 1993 йили Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон раҳбарлари ташаббуси билан Орол денгизи ҳавзасида экологик инқироз оқибатларига барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш мақсадида тузилган. Таъсисчи давлатлар унга уч йил муддатга раислик қилади. Раислик қилувчи мамлакат раҳбари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Президенти этиб сайланади. 2017 йилдан жамғармага Туркменистон раислик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКМЕНИСТОННИНГ ТУРКМАНБОШИ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Гурбангули Маликгулиевич!
Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Авваламбор, ҳурматли Гурбангули Маликгулиевичга меҳмондўстлик ва бугунги саммит Туркменистон гавҳари бўлган гўзал “Аваза” сайёҳлик зонасида юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Туркменистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик фаолиятини юксак баҳолайди.

Туркменистонлик дўстларимиз томонидан ушбу серкирра тузилма фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг халқаро нуфузини ошириш бўйича катта амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ишончим комилки, Жамғарма асосчилари бўлган давлатлар раҳбарларининг қарийб ўн йиллик танаффусдан кейин ўтаётган бугунги тарихий мажлиси мазкур ташкилот фаолиятида янги саҳифа очади, Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаради.

Бугун барчамиз туркман заминида ўзаро манfaatли ҳамкорликка тайёр эканимизни яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Орол денгизининг қуриши муаммоси бизнинг минтақавий фаолиятимиз кун тартибида алоҳида ўрин тутади — бу бизнинг умумий фоҳиамиздир. Унинг салбий оқибатлари, афсуски, тобора чуқурлашмоқда.

Оролбўйи ҳудудини у ерда пайдо бўлган саҳро эгаллаб олмақда.

Оқибатда биз сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилмаҳилликнинг кескин камайиши, жиддий иқлим ўзгаришларини яққол сезиб турибмиз.

Шу муносабат билан бугунги учрашувимиз гоят муҳим аҳамиятга эга.

Биз умумий манfaatларимиздан келиб чиққан ҳолда, ушбу фоҳиа оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича барча саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз лозим.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳозирги пайтда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Марказий Осиёда вақт синовидан ўтган ягона минтақавий ташкилот бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида бу борадаги ҳамкорлиқнинг амалий механизми бўла олади.

Биз Жамғарма фаолиятида Қирғизистон Республикаси иштироки тикланганини қўллаб-қувватлаймиз.

Аминманки, биз мазкур ташкилот доирасида минтақадаги барча мамлакатлар манfaatлари мутаносиблигини таъминлашга эришамиз, бизнинг умумий

келажакимиз — ўз қўлимизда. Фақат барча минтақа давлатларининг Жамғарма фаолиятида, жумладан, Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи Дастурни ишлаб чиқиш ва ўзаро келишиш жараёнида тўлақонли иштирок этиши орқали биз бу борадаги умумий муаммоларни ҳал этишимиз ва таҳдидларни бартараф этишимиз мумкин.

Шу муносабат билан биз Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш юзасидан ҳамкорларимиз билдирган таклифларни қўриб чиқишга тайёرمىз.

Ҳурматли дўстлар!

Шу ўринда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экологик фонд ва бошқа ҳамкор ташкилотлар, донор давлатлар кўмағида Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида бир қатор кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширди. Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрхорликка чидамли ўсимликлардан иборат 350 минг гектарлик бутазорлар барпо этилди. Бундай ҳудудларнинг умумий майдони ҳозирги кунда 700 минг гектарни ташкил этмоқда.

Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир.

2018 — 2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Оролбўйи минтақаси учун **Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги** ташаббусни илгари сурди ва бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

Бизнинг фикримизча, БМТ шафелигида иш олиб борадиган Траст фонд фаолияти ва туркман дўстларимиз таклифи асосида бугун тасдиқланадиган Орол денгизи ҳавзаси учун БМТ махсус Дастурининг амалга оширилиши бир-бирини тўлдирди.

Ҳурматли дўстлар!

Шу йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида Орол фоҳиаси оқибатларини юмшатишга бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг асосий хулоса ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, ўзаро ҳамкорлик борасида устувор аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларни алоҳида таъкидламоқчиман.

Биринчи. Ишончим комилки, минтақамизда нуқулвай экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун қатъий ва

ностандарт чора-тадбирлар зарур.

Шу муносабат билан **Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси**, деб эълон қилиш масаласини қўриб чиқишни таклиф этаман.

Бу ташаббус бизнинг умумий кўчимизни қуйидаги мақсадлар бўйича бирлаштиришга йўналтирилган:

экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

“яшил иқтисодиёт”, экологик тоза, энергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларини комплекс татбиқ этиш;

чўлланиш ва экологик миграциянинг давом этишига барҳам бериш;

экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бизнинг ташаббусларимизни ҳар томонлама муҳофаза қилиш мақсадида келгуси йилда **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Глобал экологик фонд кўмағида махсус конференция ташкил этилишини таклиф қиламиз.**

Мазкур халқаро ташкилотлар билан Экологик инновациялар ва технологиялар зонасини ташкил этишининг амалий масалалари бўйича музокаралар олиб бориш масаласини Жамғарма бошқарувиغا топшириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

дунёдаги экологик нуқулвай минтақаларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибаларни инobatга олган ҳолда, инновацион лойиҳаларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва уларни биргаликда тайёрлаш; бундай мақсадлар учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ва грантлар ажратиш.

Бундан ташқари, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳузурида юқорида қайд этилган халқаро институтларнинг ваколатхоналарини очишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Кум кўчиларини мустаҳкамлаш, Оролнинг қуриган қисмидан ҳавога заҳарли аэрозол чанглари кўтарилишини камайтириш масалалари бизнинг эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Шу мақсадда **чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилишни таклиф этамиз.**

Бизнинг олимларимиз берган маълумотларга кўра, 10 — 12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини дарaxтзор ва бутазорларга айлантиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, янги унумдор яйловлар яратишга қўрбимиз етади, бу қорвачиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Минтақавий марказ эса эҳтиёж катта бўлган

мутахассислар тайёрлаш бўйича ўзига хос ноёб илмий-таълим базасига айланади.

Учинчи. Минтақамизнинг ноёб ҳайвонот дунёсини сақлаш масаласи. Бу масалада ҳам умумминтақавий ёндашув зарур.

Оролбўйи зонасида муҳофаза қилинадиган трансчегаравий табиий ҳудудлар ташкил этишни таклиф қиламиз.

Йўқолиб бораётган ҳайвонлар, жумладан, қоплон, қулон, сайгоқ ва бошқа ноёб жониворларни сақлаб қолиш учун қўлимиздан келадиган барча ишларни ўзаро келишиб амалга оширишимиз нихоятда муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчи. Сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини кескин ошириш лозим.

Биз Орол денгизи ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўзаро мақбул ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш учун барча зарур шароитларни яратишга ва Ўзбекистонда ушбу масалага бағишланган минтақавий конференция ўтказишга тайёرمىз.

Ўйлаймизки, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур қабул қилиниши мазкур конференциянинг энг муҳим натижаси бўлади.

Бешинчи. Бугунги кунда илмий кооперацияни самарали ривожлантириш борасида оқилона турсан муаммолар ечимини таъминлашнинг иложи йўқ.

Шу муносабат билан биргаликдаги фанлараро тадқиқотларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси ва Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссиясининг илмий-ахборот марказлари негизида бундай тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Аминманки, бугун илгари сурилган ташаббуслар асосида “йўл харитаси” ишлаб чиқишимиз ва унинг ижросини амалий жиҳатдан назоратда олишни Жамғарма бошқарувиغا топширишимиз мумкин.

Халқларимизнинг табиатга унинг бойлиқларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасидаги кўп асрлик анъаналарига сунган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз, деб ишонаман.

Сўзимнинг якунида ҳурматли Гурбангули Маликгулиевичга Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммитини муваффақиятли ўтказишга қўшган катта ҳиссаси учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

БЮДЖЕТ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиклигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маълумотларининг очиклиги ва сифати, уларни хорижий инвесторларга ва бошқа манфаатдор субъектларга етказиш, шунингдек, парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб юритилади) шакллантириш ва ижро этиш жараёнидаги иштироки даражаси етарли эмас.

Бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблагларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ;

1. Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга мувофиқ;

2019 йилдан бошлаб бюджет маблагларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилади;

2020 йилдан бошлаб **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари** ахборотлар батафсил баён этилган, илгор халқро қандартларга мувофиқ тайёрланган **қонун билан тасдиқланади**;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши шарт;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган **“Фуқаролар учун бюджет” ахборот наشري** жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари,

ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, мазкур саммит жамғарманинг 2009 йилги мажлисидан сўнг қарийб ўн йилдан кейин ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир.

Орол инкирози замонамизнинг энг йирик экологик ҳалокатидир. Денгиз тубидан кўтарилаётган чанг йилига 80 миллион тоннага яқин туз ва зарarli кимёвий моддаларни Шарқий Европадан Ҳимолай тоғларигача бўлган улкан худудга ёётгани муаммонинг глобал тус олганидан далолат беради.

Шу нуктаи назардан, ушбу саммит етакчи молия муассасалари, халқро ташкилотлар, чет эл донорлик компаниялари, шунингдек, бизнес ҳамжамияти эътиборини Оролбўйидаги экологик вазиятга жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган даврда Жамғарма доирасида минтақадаги мураккаб сув-энергетика масалаларини ҳал этиш, сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилишда ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Хусусан, Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича кенг миқёсли лойиҳаларни амалга оширди. 350 минг гектар майдонга саксовул ва шўрга чидамли ўсимликлар экилиб, бутазорлар барпо этилди.

Орол денгизи инкирози оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи худудини ривожлантириш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2018 — 2021 йилларда Оролбўйи худудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури бр ерда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, экологик фалокат оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Орол ҳалокатига халқро ҳамжамият эътиборини ҳам қаратиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё ҳамжамиятини ушбу экологик инкироз оқибатларини бартараф этиш ва ундан жабр чекаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича халқро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чакирди.

Ўзбекистон БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни қўллаб-қувватлади. Фожиянинг бутун сайёрага дахлдорлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи худуди бўйича махсус Траст жамғармаси тузилди.

Жорий йил 7-8 июнь кунлари Тошкентда “Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва

инвестициялар” мавзуида халқро конференция, унинг доирасида Марказий Осиё экологик форуми бўлиб ўтди.

Туркманбозидаги учрашувда Орол инкирози оқибатларини юмшатиш, худуддаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини фоллаштириш, Оролбўйи худуди учун экологик тоза технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этишга хорижий инвестицияларни биргаликда жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги мажлисда Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари аъзолари, халқро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари, экология ва сув масалалари бўйича мутахассислар қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон раислигида тузилма фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг халқро миқёсдаги нуфузини ошириш бўйича улкан ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Қарийб ўн йиллик танаффусдан сўнг ўтаётган Оролни кўтариши халқро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг бугунги тарихий мажлиси ташкилот фаолиятида янги саҳифа очади, Марказий Осиёда минтақавий шерикликка катта суръат бағишлайди. Биз бу борадаги ўзаро ҳамкорликка тайёр эканимизни яна бир бор тасдиқлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Оролни кўтариши халқро жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш, худудга инновацион ечимлар жорий этиш ва хорижий инвестициялар жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар бўйича муҳим тақлифларни илгари сурди.

Мажлисда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласига бевосита боғлиқ экани, бу борадаги оқилона қарорлар ва яқин ҳамкорлик минтақа мамлакатлари фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди. Бу масалани ҳал қилишда минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиш зарурлиги, шундай ёндашувдан бошқа ечим йўқлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлис якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ушбу саммит ўз аҳамиятига кўра нафақат Жамғарма фаолиятида, балки Марказий Осиё мамлакатларининг экология ва сувдан фойдаланиш борасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда янги босқични бошлагани, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар минтақа халқлари фаровонлигини ошириш, кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Матнозор ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент — Туркманбoши — Тошкент

Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгашининг қўшма мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 10 август куни Шайхонтоҳур туманига ташрифи давомида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бунда парламент, депутатлик корпуси ҳамда жамоатчилик ролини янада кучайтириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Унда сенаторлар, депутатлар, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳалла раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 августдаги “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ҳукумат, вазирлиқлар, идоралар ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига пойтахтнинг инвестициялар жалб этиш имкониятларини ошириш бўйича қатор муҳим вазифалар юклатилган. Қўйилган вазифаларнинг сифатли ижроси таъминлашда сенаторлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланди. Айнан Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига пойтахт ва туманлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш масаласида кўмаклашиш топширилди.

Шу боис қўшма мажлисда масъул вазирлик ва идоралар ҳамда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимликлари раҳбарларининг Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотлари эшитилди. Туманда соғлом овқатланишни ташкил қилиш ва



Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари мавжуд миллий қонунчилик базаси билан тартибга солинган. Давлатимиз томонидан имзоланган халқро шартномалар ҳамда Халқро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштириш, шу жумладан, ХМТнинг бир қатор конвенцияларини ра-

тификация қилишда ҳамкорликни кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган давра

си ва технопарк ташкил этиш назарда тутилмоқда.

— Яқин келажакда туманда 20 мингга яқин янги иш ўринлари яратиш устида иш олиб борилмоқда, — дейди бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирى ўринбосари Баҳодир Низомов. — “Yoshlar — kelajagimiz”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида туманининг 3,6 минг аҳолиси бандлигини таъминлаш назарда тутиляпти. Яна қарийб 1,8 минг нафар аҳоли пойтахтдаги бунёдкорлик иш-

Ислоҳотлар ва ўзгаришлар остонасида

ларига жалб этилади. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида худудларни ободонлаштириш ишларига тўрт мингдан ортиқ ишчилар жалб қилинди. Ташаббускорлар уларни меҳнат дафтарчаларига қайд қилган ҳолда иш билан таъминлашди.

Туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида маҳалла гузарларини, спорт ва болалар майдончаларини қуриш, маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳўмояга муҳтож қатламига моддий ёрдам бериш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ижтимоий, йўл-транспорт соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш, уй-жой фонди ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, “Ёшлар уйлари”ни қуриш каби бошқа қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тўртта сектор кесимида манзилли дастур ишлаб чиқилди,

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Давлат молиявий статистикасини юритиш ва бюджет очиклигини таъминлаш бўлими ташкил этилсин ҳамда унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

давлат молиявий статистикасини такомиллаштириш ва бюджет шаффофлигини таъминлаш соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш;

бюджет жараёни ва бюджет маълумотларининг шаффофлигини, хорижий инвесторлар ва бошқа манфаатдор субъектларнинг улардан фойдаланиш имкониятини, бюджет жараёнига фуқароларнинг жалб этилишини, шунингдек, “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрининг эълон қилинишини таъминлаш;

Портални ахборот, услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:
уч ой муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан аҳоли ўртасида унинг бюджет саводхонлиги ва бюджетнинг очиклиги даражасини ўрганишга қаратилган тегишли сўровлар ўтказилишини таъминласин;

сўровлар натижаларига кўра, Ҳаҳон банкининг услубиётига мувофиқ аҳолининг бюджет саводхонлигини ошириш ишларини амалга ошириш учун техник кўмак жалб этилишини, шунингдек, лойиҳа доирасида умумтаълим мактаблари учун оила бюджети ва Давлат бюджети бўйича ўқув қўлланмалари яратилишини таъминласин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 22 август	



Дўстлик, яхши қўшничилик ва қардошлик

Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари ана шу мезонлар асосида тобора ривож топмоқда.

Шарқда бир ҳикмат бор: узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши. Дарҳақиқат, ён қўшни — жон қўшни бўлган ўзбек ва туркман халқларини муштарак маданият ҳамда қадриятлар, урф-одатлардаги ўхшашлик ва теран тарихий илдизлар боғлаб туради.



Икки қардош эл азалдан бир дарёдан сув ичган, бир-бирининг маданиятини бойитиб, қуда-анда бўлган, ўзаро савдо-сотик қилиб келган. Юртимизда Махтумқули ғазаллари билан айтингдани қўшиқлар қанчаллик севиб тингланса, Туркменистонда Алишер Навоий ижоди шу қадар юксак улуғланади, қадрланади.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада юқори босқинга кўтарилди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг сифатида илк хорижий ташрифини Туркменистондан бошлагани ҳам жуда кўп нарсани англатади.

Хар икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари мамлакатларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2018 йилнинг 23-24 апрель кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлиши мазкур олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давомидир. Ташриф доирасида Тошкентда Ашхобод боғи, Хоразм вилоятида “Ўзбек — туркман” дўстлик уйи тантанали равишда очилди. Хар иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Минтақа халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривож топиши, илм-фан, маданият ва санъат, савдо-сотик алоқаларининг юксалиши бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг жамоатчиликни яқиндан хабардор қилишда журналистларнинг хиссаси катта. Бундай сафарлар, айниқса, биз, ижод аҳли учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб, қардош халқларнинг турмуш тарзи, бунёдкорлик жараёнлари ва иш-хотлар самаралари билан яқиндан танишиш имконини беради. Шу маънода, Туркменистонга ижодий сафар донги етти иқлимга кетган гиламлари, ахлатқа зотли учқур отлари билан дунёга машхур диёрнинг мафтункор манзараларига ошно бўлиш имконини бери.

Қўшни давлат ҳудудига сафаримиз Хоразм вилоятининг Шовот тумани орқали ўтиладиган Дашовуз божхона масканидан бошланади. Дашовуз вилояти Туркменистоннинг иқтисодиёти ривожланган, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларига бой ҳудудларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда шаҳарда кенг қуламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилди. Туркменистон қишлоқ ҳўжалиги институти, “Рухият” саройи, Андалиб номидаги мусикали драма театри, “Бахт саройи”, тарих ва улкан ирғаниш музейи, “Гарашсизлик” стадиони каби бири-биридан чиройли қатор масканлар бунёд этилди.

“Туркменистон хаво йўллари”га қарашли замонавий хаво лайнерида Дашовуз — Ашхобод йўналиши бўйлаб парвоз қилди. Улкан хаво кемасидан туриб заминни кузатишнинг завқи бошқача. Дашовузнинг сўлим қишлоқлари ортда қолган, пойёнсиз Қорақум кенгликлари бошланади. Илломонидан ойнаси-дан пастга ички бир энтиқши билан боқиб, чўл хавосидан тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Қум барханлари узра кўй-қўзилар сурувлари, нортунялар чўпон-чўликларнинг ўтовлари элас-элас кўзга ташланади.

Оқ мармарли бинолар шаҳри

Бағрида нефть ва табиий газнинг бой захиралари яширинган бу кенгликлар

ютукларини ўзида мужассамлаштирган, ноёб меъморий ечимга эга иншоотлар туркман халқининг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан дарак бериб турибди.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Буюк Ипак йўлида жойлашган икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар азалдан ривож топган. Бугунги кунда ҳам ҳукуматлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар ҳамкорлик робиталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу йилнинг март ойида Ашхободда ўтказилган “Made in Uzbekistan” белгиси остида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси савдо ва инвестициялар соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатнинг бош наشري — “Туркменистон” газетасида “Ўзбекистондан туркман бозорларида” сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Туркма-



нистон бозоридан муносиб жой эгаллаётгани таъкидланди, икки давлат ўртасидаги яқин қўшничилик алоқаларининг мустаҳкамлиб бораётгани бунинг асосий омилли сифатида қўрилди.

Туркменистон Ўзбекистонга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар етказиб берса, юртимиздан бу ерга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ҳамда турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ ҳўжалиги техникаларига талаб жуда катта. Қайд этиш лозимки, республикамиздан илгилга мингдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги техника ва механизмлари Туркменистонга экспорт қилинапти. Бу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида яқинда Туркменистон Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва “Ўзгартехнаотхолдинг” акциядорлик жамияти таъсисчилигида “Туркман — Ўзгартехмаз” қўшма корхонаси ташкил қилинди.

— Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири, — дейди қўшма корхона менежери Ёзғелди Сеиткулиев. — Ўзбекистоннинг бир қатор корхоналарида ишлаб чиқарилган қишлоқ ҳўжалиги техникалари туркман далаларида синовдан муваффақиятли ўтди. Ҳозир тўрт хил русумдаги тракторлар ва уларнинг тиркамалари, пахта териш ҳамда қўсақ йиғиш машиналари, лазерли ер текислагич, 25 турдаги қишлоқ ҳўжалиги механизмлари, эҳтиёт қисмларни харид қиламиз. Корхонамизда ушбу техникаларга сервис хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун 2,5 нафар малакали муҳандис-техник мутахассислар жалб қилинган. Бундай хизмат кўрсатиш марказларини вилоятларда ҳам ташкил этдик. Лойиҳамизнинг иккинчи босқинида мазкур техникаларнинг бир қисмини Ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда шу ернинг ўзида йиғишни йўлга қўямиз. Бу борада дастлабки қадамлар ташланди. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш мажмуасини барпо қилиш учун 2,5 гектар ер ажратилди. Лойиҳалаш ишлари якунланган, тез кунларда қурилиш-монтаж жараёнлари бошланади.

Бугун Ашхобод қўнаралида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган “Ravon” бренди остидаги автомобилларга қўзингиз тушади.

— Туркменистонда ўзбек автомобилларига қизиқш, талаб ортиб бормоқда, — дейди “Туркменузавто” ҳўжалик жамияти менежери Хангелди Амангелдиев. — Асосан, у хил русумдаги автомобилларни харидорларга етказиб бераймиз. Ўзбекистонда тайёрланган автоуловлар тежамкорлиги, замонавий дизайн ва мақбул нархи билан миллий автобозорда муносиб ўрин эгаллади. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида сервис хизмати ҳам йўлга қўйиди. Шу боис буюртмалар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Адабий алоқалар мустаҳкамланмоқда

Ўзбек ва туркман халқларининг адабий алоқалари теран тарихий илдизларга эга. Алишер Навоийни туркман халқи Мир Али номи билан таниган, унинг асарлари шоир ҳаёт чоғидаёқ туркманлар орасида машхур бўлган. Навоий ғазалларини туркман бахшлари авж пардаларда қуйлаб келади. Хива мадрасаларида тахсил олган туркман мумтоз шоирлари Озодий, Махтумқули, Андалиб Навоийни ўзларига устоз деб билганлар. Айни пайтда Махтумқулининг шеърларини билмаган ва қуйламаган ўзбек хофизий йўқ деса бўлади. Андалиб ўзининг “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо” достонларини Навоий ҳамда Дурбек асарларидан таъсирланиб ёзган.

Ғафур Ғулум ва Берди Кербобоев, Зулфия ҳамда Товшан Ёсанова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтлєв каби ўзбек ҳамда туркман ёзувчи шоирлари ўртасидаги дўстлик адабий алоқалар тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Ашхобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бири улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталади. Буюк шоир даҳосига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида унинг саобатли ҳайкали ўрнатилган. Ушбу кўчада жойлашган Илҳом сайилгоҳида эса Марказий Осиёда илм-фан тараққиётига уакан ҳисса қўшган олим уфузалар қаторида Шайх Нажмиддин Қубро, Махмуд аз-Замашарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа буюк бобокалонларимиз ҳайкаллари қад ростлаган.

Б. Кербобоевнинг “Дадилад қадам”, “Ойсултон”, “Небитдоғ” романлари, Х. Деряевнинг “Қисмат” романэпопеяси, Ота Қашутовнинг “Небитдоғ этакларида” романи, Мулланафас, Андалиб, Камина шеърлари ва бошқа асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Туркман драматургиясининг “Махтумқули”, “Ойла номуси”, “Ким айбдор?” сингари намуналарий ўзбек театрларида, ўз навбатида, юртимиз адабларининг “Шоҳи сўзана”, “Орак сирлари”, “Келинлар кўзголини” пьесалари туркман театрларида сахналаштирилган. Туркман китобхоналари ҳозирги вақтда Ойбек, Асқад Мухтор, Шароф Рашидов, Ғафур Ғулум, Хамид Олимов, Зулфия, Абдулла Орипов асарларини ўз она тилларида ўқимокдалар.

Хизмат сафари режасида туркменистонлик ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар ҳам ўрин олган бўлиб, мулоқотларимиз нияҳтада жўшқин ва мароқли кечди.

— Адабий алоқа хар қандай адабиётнинг ривожини учун нияҳтада зарур омиллардан бири, — дейди Туркменистон Қаҳрамони, Туркменистон халқ ёзувчиси Амангузел Шагулєв. — У адабий ҳаф-талиқлар, жонли мулоқотлар, ижодий саналарнинг нишонлашиши, бадий таржима орқали ривож топади. Хусусан, бир гуруҳ туркменистонлик ижодкорлар “Ўзбек — туркман” дўстлик уйи ва “Ули ховли” тарихий мажмуаси фаолияти билан танишганмиз. Замонавий ўзбек адабиётдаги ижодий жараёнлар, юртингизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, Ёзувчилар уюмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бизда катта таассурот қолдирди. Замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг ижод намуналарини туркман тилида ўқувчиларимизга етказаямиз. Бу анъанани янада изчил давом эттирамиз.

— Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, жамият ҳаётидаги янгиланишлардан доимо хабардор бўлиб борамиз, — дейди “Нейтральный Туркменистан” газетаси бўлим муҳаррири Ирина Имамқулиева. — Юртингиз ҳаётига оид қизиқарли мақолаларни газета-мизда чоп этишни режалаштирганмиз.

Туркменистон давлат кутубхонаси — мамлакатдаги энг йирик маърифий масканлардан бири. Унда 50 тилдаги илмий-оммабон ва бадий адабиётлар жамланган. Мамлакат ҳудудидаги 76 та кутубхона электрон каталогларининг ягона тармоғи яратилган.

— Архив фондимизда ўзбек тилидаги 2642 донна китоб ва рисола мавжуд, — дейди кутубхона директори Гулжаҳон Сулҳанова. — Улар орасида Алишер Навоий “Хамса”сининг 1893 йилда қўчирилган қўлемаси ва бошқа нодир адабиётлар бор. Ўзбекистонда китоб нашр этиш ва китобхонлик маданиятини ошириш борасида қилинаётган эзгу ишлар таҳсинга сазовор.

Туркменистонда вилоят кутубхонала-

ри биносининг тепа қисмида очилувчи гумбаз ва телескоплар ёрдамида кичик расадхоналар ташкил қилинган. Унда компьютер ёрдамида само жисмлари ҳаракатини кузатиш мумкин. Бу ҳам болаларни кутубхонага жалб қилиш, китоб ўқишга қизиқтиришнинг услуби.

Тарих шундан шаҳодат берадики, минг йиллар мобайнида синовдан ўтган, халқлар ўртасидаги тинчлик ва осийишталikka хизмат қилувчи қадриятлар асло йўқолмайдн. Адабиётлар ўртасидаги дўстлик шундай абадий қадриятлардан биридир.

Ўзбек ва туркман созининг навоси ўхшаш...

Ўзбек ва туркман халқларининг маданияти ҳамда санъати асрлар давомида бир-бирини бойитиб келган. Туркман халқининг Суяв бахши, Полвон бахши, Ўроз Солир, Маткарим Ҳофиз каби атоқли санъаткорлари ўз ижодида ўзбек мумтоз адабиёти дурдоналаридан маҳорат билан фойдаланган бўлса, Бола бахши, Комилжон Отаниёзов, Ортиқ Отажонов каби ўзбек санъаткорлари репертуарларида туркман шеърини муҳим ўрин тутди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили таваллудининг 100 йиллиги нишонланган Комилжон Отаниёзов ўз ижоди билан бу икки халқ ўртасидаги дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган эди. Ҳофиз туркман классикаларидан Махтумқули, Камина, Мулланафас, Залилий, Ғоибий, Андалиб каби шоирларнинг шеърларини жўшиб қуйлади. Уларнинг қатор асарларига мусиқа басталади, ижодини бутун дунёга машхур қилди. Ўзбек ва туркманнинг “Гуруғли” туркумига кирувчи, “Ойиқ Ғариб”, “Саётхон ва Ҳамро” каби достонлари таркибида бўлган қўшиқларга қайта жон бағишлади. Ўзбекнинг Комилжон



Илҳом сайилгоҳида Нажмиддин Қубро бобомизга ҳам ҳайкал ўрнатилган.

Отаниёзов, Ортиқ Отажон, Отажон Худойшукров, Олмадон Ҳайитова каби атоқли санъаткорларини туркман халқи ҳам ўз фарзандидек эъзозлаб, уларга “Туркменистон халқ артисти” фахрий унвонини тақдим этган.

— Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурлари доирасида маданият ҳамда санъат мамояндалари Ўзбекистонда ҳамда Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва қўриқлар, кўргазма ҳамда форумларда фаол иштирок этмоқда, — дейди Туркменистон Маданияти ишлари вазирлиги бўлим бошлиғи Акмурад Ражабов. — 2009 йилги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида туркменистонлик хонанда Лале Бегназарова гран-при соҳибаси бўлган, 2011 йилдаги фестивалда “Галкиниш” ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади. Утган йилнинг 12 — 16 ноябрь кунлари Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Унда ўзбек маданият ва санъат усталаридан иборат делегациянинг Ашхобод ҳамда Дашовуз шаҳарларида ташкил қилинган концерт дастурлари, Туркменистонда ўзбек киноси кунлари икки халқ ижодкорларини бир-бирига янада яқинлаштирди. Яқинда Ашхобод шаҳрида ўтказилган “Айдим-сиз санъатининг қадимий чешмелари” деб номланган халқаро илмий анжуман ва фестивалда ўзбекистонлик санъаткорлар ижросидаги “Тоҳир ва Зухра” достонидан “Намасан” қўшиғи ҳамда “Хоразм лағзиси” томошабинларнинг

олқишларига сазовор бўлди. Санъат сарҳад билмайди, деганларидек, ўзбек қўшиқларининг туркман элида муҳлислари кўпаймоқда, туркман қўшиқлари Ўзбекистонда севиб тингланмоқда.

Яқин қўшничилик муносабатлари

Икки давлатнинг чегарадош ҳудудлари, жумладан, Хоразм вилояти ҳамда Туркменистоннинг Дашовуз вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича келишув имзоланган бўлиб, унга кўра корхона ҳамда ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, инвестицияларни жалб қилиш, савдо-сотик ҳажминини кенгайтириш, айниқса, тарихий обидалар ва муқаддас қадимжоларга бой иккала ҳудуднинг сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Хар икки вилоят ишбилармонларининг Дашовуз шаҳрида ўтказилган биринчи бизнес форумидаги иштироки ҳам ўзаро ҳамкорлик истиқболларига кенг йўл очди. Иккала ҳудуд маъмурияти раҳбарлари, ишбилармон доиралари ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги ушбу тадбирда минтақаларо даражада тўғридан-тўғри ҳамда ўзаро манфаатли алоқалар, хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор шартномалар имзоланди.

— Бизнес форумидан қўланган асосий мақсад, бир-бирига қўшни бўлган, азалдан қон-қардошлик ришталари билан боғланган хар икки вилоят ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат, — дейди Дашовуз вилоятидаги Саъдулла Ҳўзметов номдаги қишлоқ ҳўжалик ҳиссадорлик жамияти раиси Комилжон Рўзметов. — Ҳиссадорлик жамиятимиз жорий йилда “Урганч озуқамаш” корхонасидан турли русумдаги қишлоқ ҳўжалиги техникаларини харид қилди. Келгусида яна қишлоқ ҳўжалиги техникалари, омихта ем сотиб олиш, деҳқончиликда интенсив технологияларни жорий этиш борасида ўзаро тажриба алмаштиш ниятидамиз.

Дашовуз вилояти билан, айниқса, туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Утган йили Хоразм вилоятига тўрт минг нафардан ортиқ туркменистонлик сайёҳлар ташриф буюришди. 2017 йилнинг 1 — 3 ноябрь кунлари Хоразм вилоятининг бир қатор сайёҳлик ташкилотлари Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган ярмаркада иштирок этиб, 2018 йил учун “Доғ саёҳат”, “Дашовуз саёҳат”, “Атлас”, “Саёҳат” каби 20 дан ортиқ туристик фирмалар билан шартномалар имзоладилар.

— Утган йил охирида Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Туркменистоннинг Дашовуз вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик келишуви доирасида Хива шаҳридаги музейлар фаолияти билан яқиндан танишиб келган эдим, — дейди “Тарих ва улкан ўрганиш музейи” директори Алланазар Ғараджанов. — Мамлакатларимиз ўртасида туризм йўналишида ҳамкорлик истиқболлари жуда катта. Хивага келган сайёҳни Қўҳна Урганчи ҳам томоша қилишга тақлиф этсак ёки бизга келган зиёратчи Хоразмга ҳам ўтса икки томон учун ҳам манфаатли. Музейлар фаолияти юзасидан ўзаро тажриба алмаштиш муҳим аҳамият касб этади.

Форум доирасида хар икки мамлакат тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миллий кўргазмалари ташкил қилинди, Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталари ижросида



“Ашхобод” меҳмонхонасининг умумий кўриниши.

катта концерт дастури намойиш этилди. ...Туркменистонга сафаримиздан олам-олам таассуротлар олдик. Қўвонарлиси, икки халқнинг яқин қўшничилик муносабатларида муҳим давр бошланмоқда. Қундан-қун ривож топаётган ўзаро алоқалар икки томонлама ҳамкорликини сифат жиҳатидан янги босқинга олиб чиқишга хизмат қилади.

Одилбек ОДАМБОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Урганч — Дашовуз — Ашхобод — Урганч

Бағрикенглик, мурувват ва ҳамжиҳатлик айёми

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 15 августдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги Фармониغا биноан мамлакатимизда ушбу айём кўтаринки руҳда нишонланди. Меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, хайрли амалларни бажариш, савоб ишларга қўл уриш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Мазкур шодиёна кунларда эса ана шу фазилатлар янада аққол намён бўлди.

Президентимиз ташаббуси туфайли Қурбон ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилинган ҳам байрамга алоҳида фойз ва шукҳ бахш этди. Ана шундай қўлай имкониятдан фойдаланиб, минглаб юртдошларимиз қадимий ва табаррук масканлари, буюк ажждларимизнинг мўътабар қадамжоларини зиёрат қилиши, қариндош-уруғлари, яқинлари ҳолидан хабар олиши. Бу эса жамиятда инсоний муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши мукярар. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида уюштирилган байрам тадбирлари мисолида ҳам халқимизнинг мурувват ва саховатпешалиги алоҳида кўзга ташланди.

Жумладан, муборак Қурбон ҳайити Оролбўйида кенг ва муносиб нишонланди. Ҳайитни кўтаринки руҳда ўтказиш, ибодат қилувчиларга барча зарур шароитларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Қурбон ҳайити намозларида мамлакатимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсат, одамлар ҳаётидаги улкан ижобий ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди.

— Ушбу айём халқимизнинг аҳилигини, бир-бирига бўлган санимиятини яна

бир қарра исботлади, — дейди Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийти қозиси Шамшетдин Баутудинов. — Ҳайит муносабати билан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кишилар ва ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйлари ҳам эътибордан четда қолмади. Буларнинг барчаси одамларимизнинг эзгуликка ошнолигини кўрсатади. Зеро, Президентимизнинг ушбу байрам муносабати билан халқимизга йўллаган табригидека айтилганидек: “Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда олижаноб фазилатларни, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бу қўлғу айёмида ҳаммамиз, аввало, мана шундай фойзли ва баракотли кунларга етказгани, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо эканлиги учун Оллоҳ таолога чексиз шукроналар айтмиш”.

Қашқадарёда ҳам Қурбон ҳайити ўзгача кўтаринки руҳда нишонланди. Шу кунги масжидларда ўқилган ҳайит намозларида бугунгидек савобатли ва ёруғ кунларга, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётга шукроналар айтилди.

Ийд Қурбон арафасида вилоятлар ҳамда туманлар

марказларидаги хиёбонлар, майдонлар, кўча ва ховлилар саранжом-саришта қилинди. Масжидлар, зиёратгоҳлар ҳамда муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Улуғ айём кунини барча истироҳат боғлари, дам олиш масканлари юртдошларимиз билан гавжум бўлди.

Фарғона вилоятида ҳам диний анъаналаримизнинг узвий қисми — Қурбон ҳайити катта хурсандчиликлар билан қўлиб олинди. Вилоятдаги 198 та жоме масжидида эрта тонгданқо юртимиз равнақи ва тинчлиги, халқимизнинг фаровонлиги учун дуолар қилинди.

— Туманимиздаги 5 та жоме масжиди имом-хатиблари маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ва фаоллари билан биргаликда 33 та кам таъминланган, эътибор-талаб оилалар ҳолидан хабар олдилар, — дейди Сўх тумани имом-хатиби Воҳиджон Камолов. — Шу билан бирга, уларнинг оилалари маҳаллий ҳокимлик ва кенг жамоатчилик номидан кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган бир ойлик озиқ-овқат захираси билан таъминлаб берилди. Бу каби хайрли ишлар, албатта, асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий қадриятларимизнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Вилоятда байрамолди тадбирлари ҳам катта кўтаринчилик билан уюштирилди. Умумхалқ хайрия ҳашиарида Қурбон ҳайити байрамига ҳамоҳам тарзда 700 дан ортиқ тозалаш ва хайрия тадбирлари, оммавий байрам сайиллари уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Халқимизнинг маънавий

ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу гояларини аққол ифода этадиган Қурбон ҳайити Сурхондарё вилоятида ҳам муносиб нишонланди. Айниқса, халқимизга хос бағрикенглик, хайр-саховат, инсонпарварлик фазилатлари бўй кўрсатиб, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилот, қорхоналар ҳамда аҳоли томонидан кексалар, боқувчисини йўқотган ҳамда ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинди, уларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйида бўлиб, бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизларга байрам совғаларини улашишди. Мурғак қалбларга қувонч ва шодлик бахш этган тадбир қўй-қўшиқларга уланиб, болажонлар дилдан ўйнаб-қулишди.

Ана шундай тадбир Денов туманидаги эркаклар Мурувват уйида ҳам ташкил этилди. Ногиронлиги бўлган фуқароларга хайр-саховат кўрсатилди.

Қурбон ҳайити кунлари вилоятнинг шаҳар ва туманларида бир қатор янги иншоотлар, жумладан, олис Узун туманида замонавий усулда барпо этилган “Узун равнақ фойз” савдо мажмуаси ва қайта қурилган деҳқон бозори, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши биносини фойдаланишга топширилди.

Қурбон ҳайити мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам муносиб нишонланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳри Халқаро мақом санъати анжуманига мезбонлик қилади. Шу муносабат билан шаҳри Кешга дунёнинг кўплаб давлатларидан мақом санъатининг ҳақиқий усталари ва ихрочилари ташриф буюриши кутилмоқда.

Айни пайтда Шаҳрисабз шаҳрида мазкур фестивал учун бунёд этилаётган Мақомчилар саройи ҳамда “Коба” мақом марказида тайёр-гарлик ишлари қизғин олиб борилаётди.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида вилоятда Ўзбек миллий мақом санъати марказининг филиали иш бошлади. Шаҳар Маданият саройида муқаммал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Саройнинг иккинчи қаватида мақом санъати музейи ўрин олган. Ипак йўли кўчасида жойлашган “Наврўз” маданият ва истироҳат боғи ҳамда “Дор ут-тиловат” мажмуаси ҳудудидаги “Кўк гўмба” масжиди ёнидаги хиёбонга эса монитор ўрнатилмоқда.

— Мақом оҳанрабои нафақат санъат аҳлини, балки кўплаб хорижий сайёҳларни ҳам ўзига ром этмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Шаҳрисабз шаҳар мақом маркази раҳбари Элмурод Боймуродов. — Хусусан, Индонезия, Малайзия, Испания, Италия, Греция, Голландия, Германия, Франция, Чехия, Буюк Британия, Эстония, Финляндия, Миср каби давлатлар фестивалда иштирок этиш истагини билдирган. Уларнинг сони яна ошмоқда. Шаҳрисабзга дунёнинг тўрт томонидан туристларнинг келиши эса туризм салоҳияти юксалиши ва истиқболли учун янги саҳифа очди. Зеро, фестивални айнан шу шаҳарда ўтказишдан асосий мақсад ҳам Шаҳрисабзнинг ўзига хос сайёҳлик салоҳияти, тарихи ва маданияти, қадим қадрият ва ўлмас мероси, бой анъаналарини дунё узра намён этишидир.

Амир Темури хиёбони ҳудудида жойлашган “Коба” мақом маркази бетакрор кийфаси билан барчанинг диққатини тартади. Ўзида миллийлик ва за-

монавийликни мужассам қилган катта саҳна, деворларда акс этган миллий

Бебаҳо қадриятларимиз тараннуми

меъморчилик намуналари, устунлардаги нақшинкор чизгилар бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Бу ерда халқаро фестиваль олдида

Қарийб **3500** квадрат метр майдонни эгаллаган Мақомчилар саройидан анжуман заллари, **400** кишилиқ катта, **134** кишилиқ кичик зал, миллий мусиқа асбоблари хонаси, кийиниш ва пардозлаш хонаси, миллий рақс хонаси, театр студияси, спорт инвентарлари хонаси, кичик кинотеатр, кутубхона ва ўқув зали ўрин олган. Ушбу муҳташам бинони қуриш ва таъмирлаш учун Давлат бюджетидан **7 миллиард 800 миллион** сўм маблағ ажратилган.

дунёнинг санъатга ихтисослаштирилган нуфузли таълим муассасалари ва консерваторияларида фаолият олиб бораётган таниқли санъат намояндалари иштирокида илмий конференция ва давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, тақдиротлар, маҳорат дарслари ўтказилиши режалаштирилган.

Форумни ўтказишга тайёргарлик ишлари доирасида ҳудудда тегишли штаб-

лар ташкил этилган бўлиб, улар шаҳарнинг туризм инфратузилмасини янада яхшилаш, форум иштирокчилари ва меҳмонларга халқаро стандартлар асосида сифатли сервис хизмати кўрсатилишини таъминлаш учун бевосита масъул этиб белгиланган.

— Қўмитамиз ҳузурдаги “Сайёҳлик ўқув-консалтинг маркази” билан ҳам-

корликда соҳанинг энг яхши мутахассислари ва экспертларни жалб қилган ҳолда Шаҳрисабз шаҳридаги меҳмонхоналар, ресторанларнинг хизмат кўрсатувчи персонални ҳамда кўнгилли гидларни ўқитиш бўйича бепул

семинар-тренинглар ўтказилмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси Шохруҳ Жалолов.

— Худуддаги тамаддихоналар ходимлари ҳам сифатли иш инвентарига эга бўлган ресторанларда ма-лака оширмоқда. Машғулотларда кўнгилли гидлар ҳам иштирок этиб, мулоқот одоби, кўхна шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари, муҳим туристик маршрутларни ҳақида зарур ахборотларга эга бўляпти. Яна бир эътиборли томони, асосий тадбирдан бўш вақтда иштирокчи ва меҳмонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун Ўзбекистон ошпазлари ассоциацияси томонидан миллий таомлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари уюштирилиши кутуляпти. Ўзбекистон аэронавтика федерацияси томонидан ташкил этиладиган ҳаво шарларида парвозлар эса сайёҳларда унутилмас таас-суротлар қолдириши шубҳасиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш ташкилотлари диққатига!

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали

«Ўзтрансгаз» АЖнинг 2018 йил «Био ва иншоотларни муқаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш» манзилли дастурига асосан, «Фарғонагаз» филиалига қарашли Куvasой шаҳри, Риштон, Бувайда, Қўштепа, Бешарик, Тошлоқ, Олтиарик, Ёзёвон, Данғара, Учкўприк, Сўх, Богдо, Фарғона туманлари участкалари ҳамда Автотранспорт хўжалиги маъмурий ва ёрдамчи хўжалик биноларини реконструкциялаш ишларини бажариш учун танлов эълон қилади.

Мазкур хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифлари қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Лойиҳа ташкилотлари диққатига!

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 555-Ф-сонли фармойишига асосан, Фарғона вилоятида 2018 йилда қўшимча қурилиш режалаштирилаётган намунавий уй-жойларни табиий газ билан таъминлаш учун лойиҳа-пешхисоб ҳужжатларини ҳамда экспертиза хулосаларини тайёрлаб бериш бўйича танлов эълон қилади.

Мазкур хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифлари қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган маъмурий биносининг реконструкция ишлари бўйича корхоналар ўртасида қуйидаги шартлар асосида танлов эълон қилади:

Танловда қатнашувчи корхона ва ташкилотлар мазкур ишларни амалга ошириш бўйича камида 3 йиллик иш стажига, 10 йиллик иш стажига эга бўлган камида 7 кишидан иборат малакали муҳандис-техник мутахассисларга, шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган машина ва механизмларга, банкдан олинган кредит, факторинг, лизинг ва уларга ҳисобланган фойз тўловлари (қарздорлик) ҳамда 2-сонли картотека қарздорликлари, охириги 3 йиллик молиявий ҳолати ҳамда бажарилган ишлар ва солиқдан қарздорлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши зарур.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-371) 120-45-72.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун мобайнида қабул қилинади.

Эслатма: пудратчи ташкилотлар ўз тижорат таклифларида юқорида кўрсатилган барча талабни албатта назарда тутишлари шарт.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Гезетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Гезета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланади.
Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусахҳих — С. Исмолов.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси